

АРАБ ГРАММАТИКАСИДА ЭГА ВА КЕСИМ МУНОСАБАТИ

О ГРАММАТИЧЕСКОЙ СВЯЗИ ПОДЛЕЖАЩЕГО И СКАЗУЕМОГО В АРАБСКОМ ПРЕДЛОЖЕНИИ

THE RELATIONS BETWEEN THE SUBJECT AND THE PREDICATE IN THE ARABIC SENTENCE

Malika NASIROVA
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF
UZBEKISTAN,
doctor of philosophy PhD,
Uzbek language and classical oriental literature.
study. m.nasirova@iiu.uz
11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan.

DOI: 10.47980/IIAU/2022/2/2

Аннотация: Мазкур мақола араб тили синтаксисининг муҳим масалаларидан бири бўлиши эга-кесим муносабатига бағишланган. Маълумки, араб тилининг сарфу наҳви қонун - қоидалари араб тилининг табиий хусусиятларидан келиб чиқиб тузилган. Шу боис ушбу тилда учрайдиган айрим грамматик муносабатлар, ҳолатлар бошқа тилларда, табиийки, учрамайди. Бу ҳолатни тушунтириш учун маишхур тилишунос олимларнинг асарларидан фойдаланиб, мисоллар ёрдамида ҳозирги замон ўқувчиси (хорижий тилларни ўрганувчи) эътиборига ҳавола этиш ҳам долзарблик касб этади.

Шу нуқтаи назардан ушбу мақолада буюк тилишунос, Мовароуннаҳр тилишунослик мактабининг асосчиси Маҳмуд Замахирийнинг “Ал-Муфасссал фи санъати-л-иъраб” асари ҳамда шу мактаб вакиллариининг ҳамон ўз долзарблигини йўқотматган асарлари (Malika, Nasirova, 2019b.:755) мисолида араб тилидаги эга-кесим масаласи очиб берилган.

Мақоланинг асосий таҳлил қисмида гап ва унинг турлари, “жумла” ва “калом” атамалари, эганинг турлари, яъни ҳеч қандай аниқловчисиз келадиған ва лафзий омиллардан холи эга. Иккинчиси аниқ ва мажҳул нисбат сифатдошлар, масдар, сифати мушаббаҳа, орттирма даражадаги сифат назарда тутилган “васф” деб номланган эга масаласи тадқиқ этилган.

Кесим ва унинг турлари ҳам таҳлил доирасига тортилган бўлиб, кесим бир сўз (муфрад), гап (жумла хабар) ва сўз бирикмаси (шибҳи жумла) билан ифодаланганлигига қараб турларга бўлинади.

Мақолада кесимни эга билан боғловчи воситаларга ҳам тўхтаб ўтилган. Улар: олмошлар, кўрсатиш олмошлари, эга бўлиб келаётган сўзнинг такрорланиши

ҳамда умумийлик, яъни кесим вазифасида келаётган гап умумий лафз бўлиши. Шунингдек, бир сўз билан ифодаланган кесимнинг “жомид хабар” ва “муштак хабар”га бўлиниши мисоллар билан тушунтирилган. Мазкур атамалар изоҳланган.

Хулоса қисмида эса тадқиқотдан маълум бўлишича, эганинг бош келишида бўлиши, айнан ўзининг эгалигида, яъни маънавий омил эканлигидир. Бундан бўлак бирорта белгиси йўқ. Кесимда эса унинг бош келишиги бўлиб, айни вақтда эга учун кесим вазифасини ўташ омили, айнан эганинг ўзи, яъни лафзий омил ҳисобланади.

Калит сўзлар: тилишунослик, эга, кесим, маънавий омил, лафзий омил, жомид хабар, муштак хабар.

Аннотация: Данная статья посвящена грамматической взаимосвязи подлежащего и сказуемого, который является одним из важнейших вопросов в арабском синтаксисе. Известно, что правила грамматики арабского языка основаны на естественных особенностях арабского языка. Поэтому некоторые грамматические отношения и ситуации, встречающиеся в этом языке, конечно же, не встречаются в других языках. Также важно обратить внимание современного читателя (изучающего иностранные языки) с помощью примеров, используя для объяснения данной ситуации работы известных лингвистов.

В связи с этим необходимо отметить актуальность сочинения великого языковеда, основателя школы языкознания в Мавераннахре Махмуда Замахиари «Аль-Муфасссал фи санъати-л-иъраб», а также и другие работы представителей этой школы (Malika, Nasirova., 2019 b. : 755).

В основной аналитической части предлагаемой статьи исследуется предложение и его виды, термины «джумла» и «калам», типы подлежащего. Во второй части рассматриваются причастия действительного и страдательного залога, масдар (имя действия), сифа мушаббаха (квазепричастие), так называемый «васф», то есть превосходная степень прилагательного.

Сказуемое и его виды также привлечены к анализу, причем сказуемое подразделяется на виды в зависимости от того, выражено ли оно одним словом, целым предложением или словосочетанием.

В статье также затрагиваются средства, связывающие подлежащее со сказуемым: местоимения, указательные местоимения, повторное употребление подлежащего и предложение, выполняющее функцию сказуемого. Также поясняется примерами разделение сказуемого, выраженного одним словом на «джамид хабар» и «муштак хабар».

В заключение исследования сделан вывод о том, что фактором нахождения подлежащего в именительном падеже является то, что оно и есть подлежащее, то есть содержательный фактор. А фактором нахождения сказуемого в именительном падеже, и в то же время фактором выполнения функции сказуемого для подлежащего является само подлежащее.

Ключевые слова: языкознание, подлежащее, сказуемое, духовный фактор, словесный фактор, джамид хабар, муштак хабар.

Abstract: This article is devoted to the relations between the subject and the predicate, one of the most important issues in Arabic syntax. The grammar rules of the Arabic language are based on the natural features of the Arabic language. Therefore, we can explore some grammatical relations and functions only in this language. In this regard, the work of the great linguist, the founder of the school of linguistics in *Maverannahr*, Mahmud Zamakhshari “*Al-Mufasssal fi sanati-l-i’rab*” and the papers of representatives of this school have not lost their relevance (Malika, Nasirova, 2019 b.: 755).

The analytical part of our article explores the Arabic sentence and its types, the terms *jumla* and *kalam*, and the types of the subject, that is, without any determinant (definition) and verbal factors. The second part deals with the active and passive participles, *masdar* (name of action), *sif mushabbaha* (quasiparticle), and the *wasf* (the superlative degree of the adjective).

The predicate and its types are also involved in the analysis. We can divide the predicate into several types depending on whether it is expressed in one word, a whole sentence, or a phrase.

The article also touches upon pronouns, demonstrative pronouns, repeated use of the subject, and a sentence that performs the function of a predicate. The division of the predicate expressed in one word into “*jamid khabar*” and “*mushtaq khabar*” is also explained with examples.

The study concluded that the factor of finding the subject in the nominative case is that it is the subject, that is, the content factor. And the factor in finding the predicate in the nominative case is the subject itself.

Keywords: linguistics, subject, predicate, spiritual factor, verbal factor, *jamid khabar*, *mushtaq khabar*.

КИРИШ

Араб тилшунослигида “*ناحو - нахв*” термини турли грамматик воситалар билан ифодаланган синтактик алоқани, “*الصرف - сарф*” термини эса сўзларнинг синтактик функциясини кўрсатиб турувчи морфологик кўрсаткичларни англатади. Бағдод тилшунослик мактабининг йирик вакили Ибн Дурайд (ваф. 321/934 й.) “.... Этимология китоби” да “*ناحو*” термини “йўналиш” сўзидан олинган бўлиб, “фикрни тўғри ифода этишга интилиш”, деб тушунтиради. Тилнинг асосий вазифаси фикрни баён қилиш бўлиб, ҳар бир тугалланган фикр сўзлар йиғиндиси ёки айрим сўз билан ифодаланади. Сўзларнинг турли шаклларда ўзаро боғланиши тилнинг фикрни баён қилиш системасида бирор грамматик вазифани бажариши, деб тушунтирилади.

Ўрта асрлар араб тилшунослиги ривожланган Мовароуннахрда сарф ва нахв масалалари билан

шуғулланган Маҳмуд Замахшарий (Malika, Nasirova, 2019 a.), Маҳмуд Қошғарий (Salima, Rustamiy, 2020: 37), Абу Якуб Саккокий (Akmalxonov, Akmalxon, 2019:353), Мутарризий (Касимова, Сарвиноз, 2019), Ҳамидуддин Даририй (Касимова, Сарвиноз, 2012) ва бошқа кўплаб уламоларнинг тадқиқотларида мазкур масалага муайян даражада тўхталган.

Жумладан, Маҳмуд Замахшарий “*ал-Муфасссал*” асарида гап тушунчасига қуйидагича таъриф беради: “*الكلام هو المركب من كلمتين اسندت احدهما الى الاخرى وذلك لا يتأتى الا في الاسمين كقولك زيد اخوك او في فعل واسم ونحو قولك ضرب زيد* - *Калом – бу бири иккинчисига предикатив боғланган икки сўзли конструкция бўлиб, у фақат икки исмдан иборат бўлади, мас.: زيد اخوك – Зайд сенинг акангдир*” ёки *битта феъл ва исмдан ташиқил топган бўлади, мас.: زيد ضرب زيد* урди, *ва бу [нутқ] “жумла”, деб номланади*”. Замахшарий ўзининг яна бир асарида

الكلام مؤلف إما من اسمين أسند أحدهما إلى الآخر ، نحو : زيد قائم ، وإما من فعل واسم ، نحو : ضرب زيد . ويسمى جملة وكلاما

-яъни “гап бири иккинчисига кесим бўлган икки исмдан (масалан: *Зайд турибди*) ёки исм ва феълдан (масалан: *Зайд урди*) иборат бўлади ва у “жумла” ёки “калом” деб аталади”. (Малика, Носирова, 2005:153). Шу тариқа Маҳмуд Замахшарий калом ва жумла истилоҳларини бир-бирига конструкция жиҳатидан тенглаштиради ҳамда *жумла* термини мавқеини асарида мустаҳкамлайди. (Малика, Носирова, 2016: 14).

Одатда араб калималари исмий ёки феълий жумлалардан таркиб топар экан улар орасида эга ва кесим (المبتدأ والخبر) исмий жумланинг асоси ва энг муҳим бўлаги ҳисобланади. Эга ва кесим грамматик нуктаи назардан “марфуъ отлар” туркумига киради, яъни *حكم المبتدأ والخبر الرفع* Аниқроғи эга ва кесим бош келишиқда қўлланилади. Масалан: *الجندي شجاع - Аскар ботирдир*.

Ўзбек тилшунослари мубтадони “от кесимли гапнинг эгаси”, хабарни эса “от кесимли гапнинг кесими” деб номлайдилар.

УСЛУБЛАР

Ушбу мақолада тадқиқ этилаётган араб тили грамматикасидаги асосий концепциялардан бири бўлган эга ва кесим муносабатлари, эганинг турлари ва кесимнинг турлари, белги-хусусиятлари таққослаш, анализ, синтез методлари асосида таҳлил қилинган. XI асрда араб тилининг назарий грамматикасини такомиллаштирган мавароуннахрлик буюк тилшунос

олимларнинг мавзуни ёритишдаги ўрни қиёсий усул орқали кўрсатиб берилган.

ТАҲЛИЛ

1. Эганинг турлари.

Одатда араб тилига оид адабиётларда бирор мавзуни ёритишда, тадқиқ этишда аввало унга таъриф берилади. Шуниси эътиборлики, аини таъриф мавзуга алоқадор асосий функционал жараёнларни ҳамда луғавий, таркибий, истилоҳий ўзгаришларни ўзида ифода этади. Шунга кўра араб манбаларида эга ва кесимга берилган куйидаги таърифни кўрамиз:

تعريف المبتدا - هو الإسم المرفوع، المجرّد عن العوامل اللفظية
تعريف الخبر - هو الجزء الذي يتم به الفائدة مع المبتداء

“Эга” ўзи ҳақида хабар берилган, лафзий омиллардан холи бўлган (, яъни предлоглар) бош келишиқдаги исмдир”.

“Кесим”- эга билан биргаликда маънони тўлиқ ифодалайдиган бўлакдир.

Демак, ушбу таърифга кўра эга билан бошланган гап кесим билан тўлиқ маънони англатади ва ушбу кесим гапнинг якуний қисми ҳисобланади.

اسم المبتدا جامع الدروس العربية
ينقسم المبتدا الى قسمين:

مبتدا له خبر: وهو غير الوصف الاتي مثل: العلم نور، و الشمس ساطعة، و زيد عاذر من اعتذر. فزيد: مبتدا، عاذر: خبر، و من اعتذر (Галайийний Мустафо, 2003: 259)

Эга 2 турга бўлинади:

Кесими мавжуд эга. Бу ҳолатда эга ҳеч қандай аниқловчиларсиз келади.

Билим нурдир - العلم نور

Қуёш ёруғдир - الشمس ساطعة

زيد-кечирим сўраса, кечирувчидир - زيد، كيم كечيريم سؤراسا، كечيرувچيدير
عاذر من اعتذر

Биринчи иккинчи гапларда аниқ, учинчи мисолда -زيد- исмий гапнинг эгаси, -исмий гапнинг кесими, من اعتذر- кесимнинг тўлдирувчиси, زيد-гапнинг эгасига нисбатан кесим бўлиб келяпти.

- و مبتدا له مرفوع سد مسد الخبر، و هو الوصف و يشترط في الوصف المكتفي، ثلاثة شروط: الاول أن يكون مُعْتَمِدًا علي استفهام او نفي (و هذا مذهب البصريين الا الاخفش): أمقيم الضيفان؟ و ما غائب الشاهدان، فان لم يعتد الوصف علي نفي او استفهام لم يكن مبتدا عند البصريين.

2. Кесим вазифасини бажарувчи бош келишиқдаги исм билан бирга келган эга ва бу ҳолат атрибутивликдир. Атрибутив боғланиш бўлишининг 3 шарт бор:

1. Атрибутив алоқа сўроқ олмошига ёки инкор юкламасига таянган бўлиши керак.(Бу Ахфашдан

бошқа Басра мактабидаги барча олимларнинг фикридир.) м:

أقيم الضيفان؟ - Икки меҳмон қоладими?

ما غائب الشاهدان - Икки гувоҳ йўқ

Басраликларнинг фикрича, атрибутив муносабат сўроқ олмошига ёки инкор юкламасига таянган бўлмаса, у ҳолда у исмий жумланинг эгаси бўлмайди. Бунга мисол қилиб، قائم محمّد “Муҳаммад турувчидир” жумласини келтирсак. Бу ерда قائم аввал келган кесим، قائم سؤزي эса кечиккан эгадир (Малика Носирова, Баҳром Турдиалиев. 2007: 32-34).

- ان تكون النكرة في أسلوب عطف، و يشمل ذلك اربعة انواع هي:

(1) ان تكون النكرة معطوفة علي معرفة، مثل: محمد خادم مسافران.

(2) ان يعطف عليها معرفة، مثل: خادم و محمد مسافران.

(3) ان تكون معطوفة علي موصوف، مثل: رجل طويل و صديق

امام البيت.

(4) ان يعطف عليها موصوف، مثل: رجل و امرأة طويلة في البيت.

- Агар эга бирор сўз билан уюшиб келган бўлса, у ҳолда эга ноаниқ ҳолатда келиши мумкин. Бу куйидаги 4 ҳолатни ўз ичига олади:

1. Агар эга аниқ ҳолатдаги отга боғланган бўлса, у ноаниқ ҳолатда келади. М:

محمد و خادم مسافران - Муҳаммад ва хизматчи сафар қилувчилардир.

2. Агар аниқ ҳолатдаги отга эгага боғланган бўлса, эга ноаниқ ҳолатда келиши мумкин. М:

خادم و محمد مسافران - Хизматчи ва Муҳаммад сафар қилувчилардир.

3. Агар эга аниқланмишга уюшиб келса, у ҳолда эга ноаниқ ҳолатда келади. М:

رجل طويل و صديق امام البيت - Узун бўйли киши ва дўст уй олдидалар

4. Агар аниқланмиш эгага уюшиб келса, у ҳолда эга ноаниқ ҳолатда келади. М:

رجل و امرأة طويلة في البيت - Киши ва узун бўйли аёл уйдадир. (Малика Носирова, Баҳром Турдиалиев, 2007: 38.)

Агар от кесим исм бўлса, у ҳам бош келишиқда бўлади. М:

السابق فائز. إنّ الحق غالب - Ўтиб кетувчи ютувчидир, ҳақиқатда ҳақ ғолибдир.

Шунингдек “мубтадо исмдир” (исмий жумланинг эгаси) дейилмоқда. “Исм” дейишдан мақсад “от” туркуми ҳам, муаввал исмлар ҳам назарда тутилмоқда. Чунки гоҳида ҳозирги-келаси замонда турган феълдан олдин “харфи масдарияси”, яъни юклама келтирилиб, феъл маъно жихатидан масдарга айланиши мумкин. Масдар эса айнан нахв олимларининг наздида “муаввал исм”, яъни исм бўлмасада исмга тавил қилинган сўз ҳисобланади. Шу боис уни ҳамма олимлар - “маҳаллан марфуъ исм, яъни бу каби ибора ўрнида

аслида мазкур феълнинг бош келишидаги масдари бўлиши керак эди”, - деган фикрни билдирадилар.

Қизиқиши ва жидду жаҳд билан ёзишингни билдим. Ушбу мисолда *أن* ибораси ўрнида аслида *كتب* (феълнинг) масдари бўлиб, у ўз навбатида кесимдир.

Шунингдек таърифда айтилишича, эга “лафзий омиллар”дан холи бўлиши керак. Лафзий омиллар - бу отлардан олдин келиб уларга таъсир қилувчи предлоглар, *ظن*، *إن*، *كان* ва уларнинг аховатлари каби юкламалардир. Бундан ташқари таърифда “ўзи ҳақида хабар берилган” дейилмоқда. Эга ҳақида унинг кесими маълумот беради. Шунинг учун ҳам гапнинг тўлиқ ифодаланиши ҳамда якунланиши кесим билан бўлади.

Таърифда “...ёки хабар зарурати бўлмаган бош келишидаги васф, яъни сифат” деб эганинг икки хил бўлиши билдирилмоқда. Бу масалага кенгрок тўхталамиз:

Эганинг 2-тури “васф” дейилмоқда. Биламизки, аниқ нисбат сифатдош, мажхул нисбат сифатдош, “сифати мушаббаҳа” сўзлар ҳам гоҳида исмий гапнинг эгаси бўлиб қўлланилади. Аммо бу турдаги эгаларда гапнинг маъноси кесим билан эмас, балки кесим ўрнига келаётган сўзлар билан ифодаланади.

Демак, эгага берилган таърифда “васф” дейиш билан аниқ ва мажхул нисбат сифатдошлар, масдар, сифати мушаббаҳа, ортгирма даражадаги сифат назарда тутилади. Шулардан масдарларни “муаввал исм” дейилади. Бундай ҳолларда масдар *ما* юкламаси билан ўтган замон феълени, *أن* юкламаси билан ҳозирги - келаси замон феъленинг вазифасини бажаради. Масдарлар феъл вазифасини бажариб келганда ўз фоъили, яъни [феъл] гапнинг эгасига изофа сифатида боғланиши шарт.

وأخذهم الربا وقد نهوا عنه ، و أكلهم أموال الناس بالباطل
(سورة النساء 161)

“—Уларни манъ этилган бўлсалар-да, судхўрлик қилишлари ва одамларнинг молларини ботил йўл билан ейишлари” (Нисо, 161)

Ушбу оят каримада *وأخذ* масдари феъл вазифасида, *الربا* сўзи эса унинг тўлдирувчиси ўрнида келган. Иккинчи жумладаги *أكلهم* масдари эса *أموال* сўзини ўзининг тўлдирувчиси сифатида тушум келишигига қўймоқда. Айни пайтда ҳар иккала масдар ҳам *هم* кишилиқ олмошига, яъни ўз фоъили (эга)га изофа бўлиб келмоқда.

“Васф” (сифат)нинг 2-тури аниқ нисбат сифатдоши. Унга муболаға сийғалари, яъни *فعال*، *مفعول*، *فعل* вазнлари ҳам киради. Булар ўтган замон, ҳозирги ва келаси замон маъноларини ифодалайди. Тилшунос олимлар бу ҳақда:

هو: «الوصف ، الدال على الفاعل ، الجاري على حركات المضارع و سكناته»

яъни: “У ҳозирги-келаси замон феъленинг ҳаракати устида жорий бўлган

(феъллий гапнинг) эга(си)га далолат қилувчи васф (сифат)”, - дейдилар.

Одатда феъллий гапнинг эгаси *ال* аниқлик артикли билан ёки усиз бўлади. *ال* аниқлик артикли билан келганда ўтган, ҳозирги ва келаси замон шаклларида қўлланилиши мумкин. Масалан:

جاء الضارب زيدا امس - Кеча Зайдни урган одам келди.

جاء الضارب زيدا الان - Ҳозир Зайдни ураётган одам келди.

جاء الضارب زيدا غدا - Эртага Зайдни урадиган одам келди.

Ушбу мисолларнинг ҳаммасида эга “*ال*” артиклини қабул қилган ҳолда уччала замонни ҳам ифодаламоқда, ҳамда “Зайд” сўзини ўзининг тўлдирувчиси сифатида бошқармоқда.

Васфнинг 3-тури “сифати мушаббаҳа” (Гранде, 1998: 347). У ўз навбатида муштоклар таркибидаги масдар вазнида бўлади. “Сифати мушаббаҳа” ўтимсиз феъллардан иборат бўлиб, бирор нарсадаги сифат унинг ўзида давомли бўлишлигини англатади. Масалан *شريف* феълдан олинган *شريف* сифати, *كريم* феълдан олинган *كريم* сифати “олийжаноблик, саховатпешалик” маъносини билдириб, бирор шахснинг ўзидаги доимий сифатдир. Энди *كتب* ўтимли феълдан ясалган *كاتب* сўзи эса “ёзувчи, ёзаётган одам” маъносини билдириб кимгадир ёзувчилик сифатини бермоқда. Лекин у ҳамма вақт ҳам ёзавермайди.

Мисол учун *مررت برجل حسن الوجه* - Юзи чиройли бўлган киши билан юрдим. Бу гапда “чиройли юзли” сифати кишининг сифати бўлмоқда ва бу сифат “чиройлироқ” ёки “жуда чиройли” каби тафдил, яъни киёсий ҳамда мушорақа, яъни ортгирма даражадаги сифатлар эмас. Чунки улар янгидан пайдо бўладиган ёки ўзгариб турадиган сифатларда қўлланилади. Аниқ ва мажхул нисбат сифатдошлар сифатлар таркибида бўлса ҳам “сифати мушаббаҳа” бўла олмайди. Чунки улар бирор нарсани янгиланиши ва йўқ нарсани пайдо бўлиши маъносида келиши мумкин. Бу хусусият “сифати мушаббаҳа”га тўғри келмайди.

Мисол учун *مررت برجل ضارب عمرا* - Умарни урган киши (урувчи) билан юрдим” гапида “урувчи” Умарнинг сифати, аммо у Умардаги доимий бўлмаган, янгиланиб турадиган сифат ҳисобланади. Исми мафъул, яъни мажхул нисбат сифатдошлар ҳам шу каби қайд қилинади.

Буларнинг “сифати мушаббаҳа” дейилишга сабаб, улар ҳам жинсда, сонда аниқ ва мажхул

нисбатдаги сифатдошларнинг функцияларини қабул қилади. Масалан: حسن ، حسنة ، حسان ، حستان ، حسنون ، حسنات

Худди аниқ нисбат сифатдошлар каби, масалан: ضارب ، ضاربة ، ضاربان ، ضاربتان ، ضاربون ، ضاربات .

мажхул нисбатдаги сифатдошларни ҳам шу каби қиёслашимиз мумкин:

مضروب ، مضروبة ، مضروبان ، مضروبتان ، مضروبون ، مضروبات .

Бу вақтда мазкур сўзлар феъл функциясини бажариб келиб, уларга гап орасида эга ва тўлдирувчилар зарур бўлади.

Масалан: أمسافر أخواك ، أمحبوب المجدان

Мазкур мисолларда гапнинг тўлиқ маъно ифодалаши кесим билан эмас, балки унинг ўрнига келаётган марфуълар (васфга фойил, ноиби фойил бўлиб турган сўзлар) воситасида бўлмоқда. Шунинг учун бу каби таркибий жумлаларда эгани “хабарга зарурат бўлмаган васф” дейилмоқда.

Васфнинг 4-тури “исми тафдил” –қиёсий ва орттирма даражадаги сифат. Унинг таърифида “исми тафдил шериклик ва зиёдалики билдирувчи сифат” дейилади. Демак, у ҳам юқоридагилари каби гоҳида феъл функциясини бажаради. Масалан:

مررت برجل أفضل منه أبوه - *Отаси фазилатлироқ бўлган киши ёнидан ўтдим.*

Кўпчилик тилшунос олимлар бу мисолдаги “افضل” сўзи эгадан олдин келган кесим, *أبوه* ни эса кечиккан (кесимдан кейин келган) эга, *افضل* сифатининг эгаси эса “дамири мустатир” бўлиб, у дейдилар. “- *افضل* нинг ўзига қайтувчи ҳисобланади”.

Демак, биз юқорида таҳлил қилган таърифдан келиб чиқиб, исмий гапнинг эгасини икки турга бўлишимиз мумкин.

1.Хабарли, яъни кесими бор исмий гап

2.Хабарсиз, яъни кесими йўқ исмий гап.

1- *Хабарли мубтадо*, яъни “кесими бор эга”) (*كسر* - *كسر* деб, кесим вазифасида сифатдан бошқа сўз туркумлари келган гапга айтилади. Масалан:

فاقيخلق, *شاخ* - *الفقه معرفة النفس ما لها وما عليها* *ўзига нима фойдаю нима зиён эканини англашидир.*

إلم - نورد - *إلم نور*

سالماتлик - *نعمت* - *الصحة*

نور - *قوش* - *النور* - *النور*

Иш - *шарафдир* - *العمل شرف*

Ушбу мисолларнинг барчасида биринчи сўзлар эга, иккинчилари кесим бўлмоқда. Чунки эга бўлиб келаётган мазкур сўзларнинг ҳеч бири васф (фойил, ноиби фойил, сифати мушаббаҳа) эмас. Шу боис улар кесимга эга бўлган, яъни бор бўлган эгалар бўлиб келмоқда.

2-Хабарсиз мубтадо, яъни “кесими йўқ эга”. Бу туркум эгаларни араб манбаларида *مرفوع له* дейилади. “Марфуъга эга бўлган мубтадо”лар дейилади. Юқорида айтилганидек, булар васф бўлиб улар сўроқ олмошлари ёки инкор юкламаси билан қўлланиши керак. Бу вақтда сўроқларни олмош ёки исм бўлишининг фарқи йўқ. Шунингдек инкор юкламасининг ҳам феъл, ҳарф ёки исм бўлишини фарқи йўқ. Сўроқ гапларга мисоллар:

1. *كيف جالس الضيفان؟* - *Икки меҳмон қандай ўтирибди?*

2. *متى ذاهب أخواك؟* - *Сени акаларинг қачон кетади?*

3. *من ضارب الصديق؟* - *Икки дўстни ким урди?*

Ушбу мисолларда *أخواك*, *الضيفان*, *الصديقان* сўзлари аниқ нисбат сифатдошларнинг эгаси бўлиб, эганинг кесими ўрнида келмоқда. Шунинг учун ҳам улар “мубтадонинг марфуъси”, яъни эганинг эга бўлишлиги сабабчиси бўлмоқда.

Феъл, исм ёки ҳарф бўлган инкор сўзларига мисоллар:

ليس راحل الصديقان - *Икки дўст йўқолувчи эмас.*

1. *غير ناجح المهملان* - *Икки эътиборсиз одам муваффақиятсиз эмас*

Юқоридаги биринчи мисолда *ناجح* сўзи эга, *ناجح* аниқ мослашмаган аниқловчиси, *المهملان* эса нисбат сифатдошнинг, яъни сифатнинг фойили бўлиб эганинг кесими ўрнида келди.

II. Кесим турлари.

Манбаларда кесимга берилган таърифда айтилишича, эга билан бошланган гап кесим иштирокида тўлиқ якунланиши, тўлиқ маъно ифода этиши зарур. Масалан: *الحق واضح ، ولايادي شاهدة*

Юқорида айтилганидек, кесимнинг омили эга бўлгани сабабли жинсда ўзаро у билан мослашмоқда. Ўз навбатида кесимлар бир сўз (муфрад), гап (жумла хабар) ва сўз бирикмаси (шибҳи жумла) билан ифодаланганлигига қараб турларга бўлинади. Замахшарий *жумла* турларини қуйидагича таснифлайди: “*الجملة على أربعة أضرب فعلية و اسمية و شرطية و ظرفية* - *жумла: исмий, феълий, шартий, ҳолий бўлади*”. (Замахшарий, Маҳмуд. 2012: 198)

1) гап билан ифодаланган кесимлар. Бу вақтда кесим бўлиб келаётган мазкур жумла исмий ёки феълий гап ҳам бўлиши мумкин. Унинг асосий шarti эса бир вақтнинг ўзида маънода иккинчи эга бўлиши керак. Масалан:

زيد سافر ، سعاد نجحت

زيد احلاقه كريمة ، الربيع جوه معتدل .

Ёки мубтадо (эга) бўлиб келмаслиги ҳам мумкин. Бордию маъно жиҳатидан мазкур кесим иккинчи мубтадо бўлиб келмаса, ушбу кесимни эга билан боғлаб турадиган (робита) боғловчи

зарур бўлади. Одатда ушбу боғловчи, кесимга қўйилсада аслида эгага тааллуқли. Агар мазкур ҳолатда кесимга боғловчи восита қўйилмаса гап таркибидаги эга ва кесим бир- бирдан бегона, алоҳида жумлаларга айланиб қоладилар. Турган гапки, бу каби гаплар таркибан хато ҳисобланиб, тўлиқ маъно ифодаламайди. Масалан: *سعاد يشتد الحر*

Ушбу мисолда *الحر* сўзи кесим бўлиб, *سعاد* - эга билан боғланмай қолди. Маъно ҳам тушунарсиз: *Суъад иссиқ зўрайди*.

Тилшунос олимлар кесимни эга билан боғловчи воситалар кўп эканлигини таъкидлайдилар. Қўйида улардан айримларига тўхталиб ўтамиз:

1. Олмошлар. Кесимга қўйилган ушбу олмош эгага қайтувчи олмош ҳисобланиб, у аниқ кўриниб турган ёки “мустатир”- яширинган олмош бўлиши ҳам мумкин.

الولد فضله كبير - Боланинг қадри каттадир.
(баланддир)

البنات نجح أخوها - Қизнинг акаси муваффақият қозонди.

Ушбу икки мисолда олмош кесимга қўйилмоқда. Араб тили қоидасига кўра ушбу олмош олдинги сўзга, яъни эгага қайтади.

زيد سافر، العلم نور.

Бу ҳар иккала мисолда эса эга бўлиб келган *زيد* ва *العلم* сўзларидан кейин “ҳува” яширинган олмошлари мавжуд бўлиб, улар ҳам ўз олдидаги эгага қайтади.

2. Кўрсатиш олмошлари. Улар эганинг ўзига қаратилган зоҳир исмий ишоралардир.

القناعة تلك كنز لا يفنى - Қаноат – бу тугамайдиган бойлик.

الحرية تلك أمنية غالية - Озодлик - бебаҳо тинчликдир.

و لباس التقوى ذلك خير - Оят: Ва тақво либоси (у) энг яхши либосдир.

3. Эга бўлиб келаётган сўзнинг такрорланиши.

زيد ما زيد - Зайд- Зайд эмас.

4. Умумийлик. Кесим вазифасида келаётган гап умумий лафз бўлса.

زيد نعم الرجل - Зайд қандай ҳам яхши киши.

Бу мисолда *زيد* эга, *نعم الرجل* унинг кесими ва ушбу жумладаги лафз умумий бўлиб “яхши” деган сифатда Зайдни ҳам ва ундан бошқаларни ҳам камраб олиши мумкин.

Мазкур санаб ўтилган боғловчилар кесим вазифасида келаётган гапни эга билан боғламоқда.

Энди маъно жиҳатидан эга бўлиб келмайдиган кесим жумлаларига келсак, улар кесимни эга билан боғлайдиган бирорта олмошга муҳтож бўлмайдилар.

نطقى الله حسبي - Айтадиган сўзим: Аллоҳ менга кифоядир.

حديثى الحمد لله - Сўзим – алҳамдулиллаҳ.

Ушбу мисолларда *نطقى* ва *حديثى* сўзлари - эга. *الله* ва *الحمد* сўзлари иккинчи эга ҳисобланиб, ўзларидан кейинги *حسبى* ва *الله* сўзи жумла холида *نطقى* ва *حديثى* эгасига гап билан ифодаланган кесим бўлмоқда. Шу сабаб бу ерда эгани кесимга боғлайдиган воситага зарурат йўқ.

5. Бир сўз билан ифодаланган кесим.

Кесим “жумла”, яъни гап ёки “шибҳи жумла”, яъни сўз бирикмаси билан ифодаланмаса, у ҳолда улар “муфрад хабарлар”, яъни бир сўз билан ифодаланган кесим дейилади. Ўз навбатида бундай кесимнинг икки турини араб тилшунослари

1. “Жомид хабар”

2. “Муштак хабар”¹, - деб атайдилар.

Кесим эгага қайтадиган олмошлардан холи бўлса, “жомид хабар” ҳисобланади. Масалан:

هذا إبراهيم Бу – Иброҳим, *زيد اخوك* - Зайд сенинг аканг, *والذهب معدن* - Олтин – маъдандир.

Ушбу мисолларнинг барчасида кесим эгага қайтувчи олмошларсиз келган. Демак, бундай кесим “жомид хабар”, дейилади.

Бир сўз билан ифодаланган кесимнинг иккинчи тури - муштак хабар - эса феъл ўрнига келиб эъробда ҳам, хусусиятларда ҳам феълнинг вазифасини бажариб келади. Улар – аниқ нисбат сифатдоши, мажҳул нисбат сифатдоши, сифати мушаббаҳа ва сифатнинг орттирма даражасидир.

Бу турдаги сўзлар кишилик олмошларини раф, яъни “дамма”ли ҳолатига ўзгартириб келмаса, кесимида эгага қайтадиган олмошларни тақозо қилади.

(هى) - فاطمة محبوبة (هو) - والورد ساحر (هو) - محمد ناجاح

(هو) - على اكرم من خالد (هو) - زيد كريم

Ушбу мисолларнинг барчасида кесим мушток хабар бўлмоқда. Чунки бу кесимлар кишилик олмошини эмас, яширинган олмошларни талаб қилади. Бунинг сабаби эса мазкур мушток хабарлар феъл ўрнига келадиган, биз юқорида санаб ўтган туркум сўзлар билан келтирилмоқда.

Бордию мушток хабарлар “васф”дан, яъни феъл ўрнига келадиган туркум сўзлардан ўзга сўзлар яъни: иш, курол-аслаҳа номлари, исми замон, исми макон ва масдарлардан иборат бўлса, у вақтда кесимда эгага қайтувчи олмошга зарурат йўқ.

мазкур *والامتحان موعد المجدين*, *هذا مرمى على* мисоллардаги *موعد* ва *مرمى* сўзлари кесим бўлиб, улар феъл ўрнида келмайди. Демак, феъл функциясини бажармайди. Шу сабабли яширинган олмошларни ҳам тақозо қилмайди.

¹ Бундай тушунчалар ўзбек тилшунослигида йўқ.

3) “Шибхи жумла хабар”- сўз бирикмаси билан ифодаланган кесим

Бу турдаги кесимлар хол ва предлог билан келган исмлардан иборат бўлади. Хол ва предлогли жумлалар бўлса, яъни эгага кесим бўлиб келаётган мазкур хол ёки предлогли жумла билан гапнинг маъноси тўлиқ ифода этилса. Мисол:

سعاد فى البيت - *Суад уйда(дир)*

الطلاب فى المكتبة - *Талаба кутабхонада(дир)*

زيد عندك - *Зайд сенинг ҳузурида (ёнингда)*

Ушбу мисоллардаги барча хол ва предлог билан келган иборалар гап таркибидан тушириб қолдирилиши шарт бўлган (тушуриб қолдирилган) кесимга боғлиқдир. Бу мисолларнинг асли қуйидагича:

زيد كائن عندك ، سعاد كائن فى البيت ...

Аммо наҳв олимлари мазкур тақдирий хабар от бўладими ёки феъл бўладими деган саволда ихтилофга борадилар. Биз бу илмий ихтилофларни бу ўринда четлаб ўтаимиз.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда эганинг ҳар икки тури ҳам бош келишиқдаги отларга мансуб. Тилишунос олимлари, жумладан Сибавайҳи, Маҳмуд Замахшарий, Ибн Ҳишом ва бошқалар “эганинг марфуъси унинг мубтадо эканлигида, кесимнинг марфуъси эса аини эганинг ўзи”, дейдилар. Бу таърифни соддалаштирсак қуйидагича бўлади:

“Одатда сўзларнинг келишиқлари ўз олдидаги ҳарфларга, предлог ва юқламаларга, баъзан феъл ва унинг хусусиятларига боғлиқ. Санаб ўтилганлар сўзларнинг омили, яъни уларнинг келишиқлари сабабчиси ҳисобланади. Бу омиллар сўзда ифодалангани сабабли уларни “лафзий омиллар”, дейилади.

Лафзда ифодаланмайдиган омиллар ҳам мавжуд бўлиб, уларни “маънавий омиллар” дейилади. Бунга ҳозирги-келаси замон феъллини насб (фатҳа ҳаракати) ва жазмлардан (суқун ҳаракати) холи бўлиши ва аини мавзуйимиз бўлган эгани мисол қилишимиз мумкин. Маълум бўлишича, эганинг бош келишиқда бўлиши, айнан ўзининг эгалигида, яъни маънавий омил эканлигидир. Бундан бўлак бирорта белгиси йўқ. Кесимда эса унинг бош келишиги бўлиб, аини вақтда эга учун кесим вазифасини ўташ омили, айнан эганинг ўзи, яъни лафзий омил ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Akmalxonov, Akmalxon (2019) Abu Yakub Sakkaki's views on the role of the source letters in words in Arabic. International Journal of Research 2019 (March), 353-359.

2. Akmalxonov, Akmalxon (2020) On the words not inflected for cases by Abu Ya'kub Sakkakiy. International Scientific Journal. Theoretical and Applied Science. Clarivate Analytics. Philadelphia, USA. 2020 (2), 543-547.
3. Гранде Б.М. (1998) Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении. -М.: Вост. Лит.
4. Касимова, Сарвиноз (2012) Способы изложения синтаксических отношений в произведении “Мукаддима”. -“Вестник” Челябинского Государственного Университета. – Челябинск, № 12., Выпуск 10. –С.130-135.
5. Касимова, Сарвиноз. (2019) Научные исследования по теории арабского языка лингвистов Маварауннахра в XI-XIII веках.- “Social and Economic Aspects of Education in Modern Society”. IX International Scientific and Practical Conference. Vol.1. January 20, 2019, Warsaw, Poland.-P .56-62.
6. NASIROVA, Malika (2021). Object in Arabic Language and its Variation. RA journal of applied research. ISSN: 2394-6709 DOI:10.47191/rajar/v7i11.06 Volume: 07 Issue: 11 November-2021 Impact Factor- 7.036 Page no.- 2658-2660 <http://www.rajournals.in/index.php/rajar/article/view/765>
7. a.NASIROVA, Malika (2019). Scientific heritage of Makhmud Zamakhshari and actual questions of the studies of Mavarennakhr's linguistic school. The Light of Islam: Vol. 2019: Iss.1, Article15. Availableat: <https://uzjournals.edu.uz/iaau/vol2019/iss1/15>
8. b.NASIROVA, Malika (2019). THE CONTRIBUTION OF THE OUTSTANDING MAVARANNAHRIAN SCHOLAR MAHMUD AZ-ZAMAKHSHARI INTO THE WORLD LINGUISTICS. International Scientific Journal. Theoretical and Applied Science. Clarivate Analytics. Philadelphia, USA 2019.(10), 755-759.
9. NASIROVA, Malika (2016). Из истории возникновения арабской грамматики: понятие “джумла” - предложение. Востоковедение. –ТДШИ. № 1.- С.13-18.
10. Носирова Малика, Турдиалиев Бахром (2007). Араб тилида эга ва кесим категорияси. -Т.: ТДШИ
11. Носирова, Малика (2005). Маҳмуд Замахшарийнинг “Ал-Унмузаж фи-н-наҳв” рисоласи - араб тили грамматикасига оид асар. –Т.:ТДШИ, 188б.
12. Rustamiy, S. (2020). Mahmud Koshgariy's views on fonetic, graphic and morphological characteristics of turkic languages. The Light of Islam, 2020(2), 37-44
13. أبو بكر على عبد العليم . دروس في الاعراب. القاهرة. 2002 - 240
14. أبو بكر على عبد العليم. مكتبة الأسرة في النحو. القاهرة. 2014.
15. حسن عباس. النحو الوافي. مصر. 2004 ص- 147
16. حنفى الناصف. الدروس النحوية. - مصر. 2007.
17. محمود الزمخشري المفصل في صناعة الاعراب. - مصر. 2012 ص- 359
18. الشيخ مصطفى الغلايني. جامع الدروس العربية. دار الغد الجديد. القاهرة 2007-
19. فؤاد نعمة. ملخص قواعد اللغة العربية. نهضة مصر. 1973. ص. 214
20. مجموعة النحو (العوامل – الأظهار – الكافية – الأجرومية) تأليف نخبة من العلماء. تحقيق محمد جان. -اسطنبول: مطبعة جعفر هايتا. 2017, ص 272

21. www.arabdict.com
22. www.drmosad.com
23. www.al-ahram.org
24. www.al-axbar.org

REFERENCES:

1. Akmalxonov, Akmalxon (2019) Abu Yakub Sakkaki's views on the role of the source letters in words in Arabic. International Journal of Research 2019 (March), 353-359.
2. Akmalxonov, Akmalxon (2020) On the words not inflected for cases by Abu Ya'kub Sakkakiy. International Scientific Journal. Theoretical and Applied Science. Clarivate Analytics. Philadelphia, USA. 2020 (2), 543-547.
3. Grade B.M. (1998) Kurs arabskoy grammatiki v sravnitel'no-istoricheskom osvyashenii. - Moskva.
4. Kasimova, Sarvinoz (2012). Sposobi izlozheniya sintaksicheskikh otnosheniy v proizvedenii "Mukaddima". - "Vestnik" Chelyabinskogo Gosudarstvennogo Universiteta. - Chelyabinsk, № 12., Vipusk 10. -P.130-135.
5. Kasimova, Sarvinoz (2019). Nauchnie issledovaniya po teorii arabskogo yazika lingvistov Mavaraunnahra v XI-XIII vekax. - "Social and Economic Aspects of Education in Modern Society". IX International Scientific and Practical Conference. Vol.1. January 20, 2019, Warsaw, Poland. -P.56-62.
6. NASIROVA, Malika (2021). Object in Arabic Language and its Variation. RA journal of applied research. ISSN: 2394-6709 DOI:10.47191/rajar/v7i11.06 Volume: 07 Issue: 11 November-2021 Impact Factor-7.036 Page no.- 2658-2660 <http://www.rajournals.in/index.php/rajar/article/view/765>
7. NASIROVA, Malika (2019). Scientific heritage of Makhmud Zamakhshari and actual questions of the studies of Mavarennakhr's linguistic school. The Light of Islam: Vol. 2019: Iss. 1, Article 15. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2019/iss1/15>
8. NASIROVA, Malika (2019). THE CONTRIBUTION OF THE OUTSTANDING MAVARANNAHRIAN SCHOLAR MAHMUD AZ-ZAMAKHSHARI INTO THE WORLD LINGUISTICS. International Scientific Journal. Theoretical and Applied Science. Clarivate Analytics. Philadelphia, USA 2019.(10), 755-759.
9. NASIROVA, Malika (2016) Iz istorii vozniknoveniya arabskoy grammatiki: ponyatie "jumla" - predlozhenie. Vostokovedenie. -TDSH. № 1.- P.13-18.
10. NOSIROVA Malika, TURDIALIEV Bahrom (2007). Arab tilida ega va kesim kategoriyasi. -T.:TDSH. (in uzbek)
11. Nosirova, Malika (2005) Mahmud Zamakhshariyning "Al-unmuzaj fi-n-nahv" risolasi - arab tili grammatikasiga oid asar. -T.: TDSH. (in uzbek)
12. Rustamiy, S. (2020). Mahmud Koshgariy's views on fonetic, graphic and morphological characteristics of turkic languages. The Light of Islam, 2020 (2), 37-44.
13. Abu Bakr Ali Abd al-Alim (2002). Maktabat al-usrati fi an-nahv.-Al-Qohira.: Dar al-G'ad al-jadid. (in arabic)
14. Abu Bakr Ali Abd al-Alim (2002). Durus fi an-nahv li at-tullab va al-muallimiyn. -Al-Qohira.: Maktabat al-Qur'an. (in arabic)
15. Abbas Hasan (2004). An-nahv al-vafi. -Misr. (in arabic)
16. Nasif, Hifni, Mahammad Diyab, Mustafa Tamum (2007). Ad-Durus an-nahviyya. -Misr.: Dar al-aqiya. (in arabic)
17. Mahmud az-Zamahshariy (2013). Al-Mufasssal fi san'ati al-i'rab.-Al-Qohira. (in arabic)
18. Mustafo al-G'alayiyi (2001). Jami' ad-durus al-arabiyya.-Al-Qohira.: Al-maktaba al-asriyya. (in arabic)
19. Fuad, Ni'mat (1973). Mulahhas qavaid al-lagati al-arabiyyati.- Misr.: Nahda.
20. Majmuatu-n-nahv (al-Avamil - al-Azhar - al-Kofiya -al-Urjumiyya).Ta'lif Naxba min al-ulama. Tahqiq Muhammad jan. -Istanbul. 2017. (in arabic)
21. www.arabdict.com
22. www.drmosad.com
23. www.al-ahram.org
24. www.al-axbar.org